ҚАШҚАДАРЁ. Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий орзулари ушалмоқда. Қарши туманидаги аллома номи билан юритилувчи мактабда икки йил аввал лицей йўналишидаги синфлар ташкил этилган эди. Яқинда эса мактаб лицейга айлантирилди. "84 нафар ўқувчи физика-математика, тил-

БЕҲБУДИЙ НАБИРАЛАРИ

адабиёт фанларини кенгайтирилган дастур бўйича ўрганадилар,-дейди туман ҳокими муовини Ж. Сафаров. -Болаларга бепул овқат берилиб, стипендия билан таъминланади. Дорилфунун олимлари ва малакали ўқитувчилар сабоқ беришади. Шунингдек, тумандаги 57-мактабда фанларни чуқур ўрганадиган синфлар ҳам ташкил этилади."

Юнус УЗОҚОВ.

ТОШКЕНТ. *Қибрай туманида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ойлиги ўтказилмоқда. Жиноятларни кескин камайтиришга ҳаракат қилиняпти. Маҳалла фаоллари, жамоатчилик ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан*

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ОЙЛИГИ

ҳамкорликда фаолият кўрсатишмоқда. "Қорадори-96", "Тун", "Ҳосил-96" каби тадбирлар ўтказилиб, маънавий-ахлоқий қарашларимизга зид бўлган қинғир ишларни фош этишга алоҳида эътибор бериляпти.

Соҳибжон САЛИМОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

НУКУС. Ажиниёз номидаги давлат педагогика институтида шу кун талабларини ҳисобга олиб факультетларда қўшимча бўлимлар очилди. Хусусан, тарих, ҳуқуқшунослик, меҳнат ва иқтисод, жисмоний тарбия,

ЯНГИ БЎЛИМЛАР ОЧИЛДИ

бошланғич таълим педагогикаси мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга имкониятлар яратилди. Янги бўлимларга бу йил 95 нафар йигит-қизни қабул қилиш мўлжалланмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

НАВОИЙ. *Навбаҳор туманида ғалла ўримйиғими яхши ташкил этилган. 25 та комбайндан унумли фойдаланиляпти. Ҳозиргача С. Жўраев номли, "Учтут", "Наврўз" жамоа хўжаликлари дон тайёрлаш режасини уддалашди.*

ОМБОР ТЎЛА ТЎКИЛДИ ДОН

Биргина Й. Охунбобоев номли хўжалик ғаллакорлари 1425 тонна дон топширишди. Ҳосилдорлик 36,5 центнерга етди. Бўшаган майдонларга такрорий экинлар экилмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 18 июль, пайшанба № 91 (22.012). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

КИМ У ДЖУННИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Корея билан Ўзбекистон халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдаги катта хизматлари учун «ДЭУ» гуруҳининг раиси Ким У Джун «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЛИ КВАН КИНИ «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Корея ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари, Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси қурилишидаги улкан ютуқлари учун ДЭУ Президенти ва «ЎзДЭУавто» компаниясининг раиси Ли Кван Ки «Шуҳрат» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ КОРЕЙС МУТАХАССИСЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасида эришган муваффақиятлари, Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси қурилишига қўшган ғоят катта ҳиссалари учун қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Ким Док Тэ — ДЭУ директори

Чанг Гю Енг — «ЎзДЭУавто» компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари

Пак Сон Чул — «ЎзДЭУавто» компанияси бош директорининг ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДАГИ БИР ҚАНЧА КОРХОНА ҲАМДА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси автомобиль заводини қуриш ҳамда уни муддатидан илгари ишга туширишдаги фидокорона меҳнатлари, шунингдек, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Орзиматов Ўрмонали — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» Давлат корпорациясига қарашли «Қўқонқурилиш» акциядорлик жамияти бетончиси

Турсинов Жўрабой — «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасига қарашли очиқ турдаги «3-Андижонвилоятдеҳқончиликқурилиш» акциядорлик жамияти газ-электр пайвандчилари бригадасининг бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Гайдук Николай Петрович — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасига қарашли Тўйтепа металл конструкциялар заводи директори

Хаважи Эрнест Фегмиевич — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» Давлат корпорациясига қарашли «Ўзқурилишмеханизация» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Юсупов Машариф — Андижон вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуманнопов Исоқжон Исмоилович — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» Давлат корпорациясига қарашли «Андижонвилоятқурилиш» акциядорлик жамияти бригадаси бошлиғи

Усмонов Анваржон — «Ўзавтотранс» давлат корпорациясига қарашли Асакадаги 84-сон давлат-акциядорлик автобазаси директори

Ҳайдаров Рустамали Ҳайдарович — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» Давлат корпорациясига қарашли «Андижонвилоятқурилиш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

Ҳотамов Набижон — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» Давлат корпорациясига қарашли «Андижонқурилиш» акциядорлик жамияти дурадгори

ҚУЙИДАГИЛАРГА ФАХРИЙ УНВОНЛАР БЕРИЛСИН:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Парпиев Қудрат Раҳматович — «Ўзавтосаноат» уюшмаси бошқаруви раиси

Юсупов Шуҳрат Фаттоҳович — «Ўзавтосаноат» уюшмасига қарашли «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бош директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Абдубанноев Абдумуталиб — «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли «Андижонсувқурилиш» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг бошлиғи

Жўраев Абдупатто — «Ўзавтойўл» давлат концернига қарашли «Андижонавтойўл» акциядорлик жамияти раиси

Отабоев Омонулло Муҳаммаджонович — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» Давлат корпорациясига қарашли «Андижонқурилиш» акциядорлик жамияти раиси

Собиров Шуҳрат Содиқович — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмасига қарашли «Андижонвилоятжамоахўжаликқурилиш» трести бригадаси бошлиғи

Содиқов Мадамин — «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасига қарашли очиқ турдаги «2-Андижонвилоятдеҳқончиликқурилиш» акциядорлик жамияти раиси

Тожибоев Анвар Каримжонович — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари

Тўрақулов Маҳмуджон Худойбердиевич — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасига қарашли «Ўзпўлатконструкция» трести «Саноатэнергомонтаж» бирлашмасининг Андижонмонтаж бошқармаси монтажчиси

Эргашев Олимжон — «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасига қарашли очиқ турдаги «2-Андижонвилоятдеҳқончиликқурилиш» акциядорлик жамияти монтажчиси

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Абдуллаев Иброҳимжон — «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли «Андижонсувқурилиш» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмаси ғишт терувчилари бригадаси бошлиғи

Анорбоев Фурқат Мирзаевич — «Ўзқурилишматериаллари» концернига қарашли «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамияти майдалаш машинаси ишчиси

Аҳмаджонов Исроил Исмоилович — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари

Ашуров Эркин Эргашевич — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмасига қарашли «Андижонвилоятжамоахўжаликқурилиш» трести бошқарувчиси

Валиев Анасхон — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмаси бошқаруви раисининг ўринбосари

Ёрматов Йўлдош Абдураҳимович — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «Ўзқурилиштранс» уюшмасининг «Авэкмоторс» акциядорлик жамияти ҳайдовчиси

Каримова Замирахон — «Ўзулгуржибиржасавдо»га қарашли «Андижонулгуржибиржасавдо» акциядорлик жамияти менежери

Катанаев Виктор Геннадьевич — Вазирлар Маҳкамаси қурилиш, бинокорлик материаллари саноати ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлимининг катта эксперти

Қўқонов Солижон — Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли «1-Ўзқишлоқэлектрқурилиш» трести линия электр монтёрлари бригадаси бошлиғи

Мирошников Юрий Сергеевич — «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» Давлат корпорациясига қарашли «Ўзоғирсаноат» лойиҳа институти бош муҳандиси

Мушеев Мурдухай Данилович — «Ўздавархитектқурилиш» Давлат қўмитасига қарашли «Ўзлойиҳапўлатконструкция» акциядорлик жамияти раиси

Радько Валерий Николаевич — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасига қарашли «Ўзэлектрмонтаж» бирлашмаси Андижон монтаж бошқармаси монтажчилари бригадасининг бошлиғи

Содиқов Одилбек Эргашевич — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасига қарашли «Ўзпўлатконструкция» трести «Саноатэнергомонтаж» Андижон монтаж бошқармаси бошлиғи

Тожиева Малика Забиховна — «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасига қарашли «Ўзбутлашускуна» акциядорлик жамияти бўлимининг бошлиғи

Тошматов Жаҳонгир Кимсанбоевич — Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Андижонирқурилиш» трести монтажчилари бригадаси бошлиғи

Турсунов Мухтор Ҳамиджонович — «Ўзавтосаноат» уюшмасига қарашли «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти йиғув цехининг устаси

Ҳамидова Потима Обиджоновна — «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмасига қарашли очиқ турдаги «2-Андижонвилоятдеҳқончиликқурилиш» акциядорлик жамияти комплекс бригадасининг бўёқчиси

Хидиров Козимжон — «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмасига қарашли «Андижонвилоятжамоахўжаликқурилиш» трести бўёқчиси

Эргашев Абдисайит — «Ўзавтойўл» давлат концернига қарашли «Андижонавтойўл» акциядорлик жамияти асфальт ётқизувчилар бригадаси бошлиғи

Ғафуров Солижон — «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли «Андижонсувқурилиш» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг устаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 июль.

И. А. КАРИМОВ:

«Беллашаётган вақтингизда, энг оғир, энг мураккаб чоғда, сизга куч ва ирода бағишлаб, мардлик ва шижоатга чорловчи муқаддас заминимиз, не-не полвонлару, афсонавий паҳлавонлар юрти—файзи ва улуғ боболаримиз пок руҳи мадад беражак, иншооллоҳ».

ТУҒИМИЗНИ БАЛАНД КЎТАРИБ...

Atlanta 1996

Эртага АҚШнинг Атланта шаҳрида катта тантана ва шодиёна. XXVI ёзги олимпиадаларнинг очилиши йирик спорт байрамига айланади. Бу ерга бешта туташ халқанинг рамзи туширилган оқ байроқ остида баҳслашиш учун жаҳоннинг 10 мингдан зиёд ўғил-қизи тўпланган. Оқ байроқ оқ кўнгиллик, одиллик ва мардлик тимсолидир. Бу сафарги олимпиячилар бахтли. Боиси, улар замонавий олимпиада ўйинларига асос солинганлигининг 100 йиллиги нишонланаётган пайтда кураш майдонига чиқмоқдалар. Шу маънода олимпиада қалдирғочлари — мустақил Ўзбекистон спорт шарафини илк марта ҳимоя қилишга чоғланган спортчиларимизнинг ҳам омадлари келган. Улар 76 нафар, тенглар ичида тенг бўлиб, майдонга кирадилар. Ой-юлдузли туғимизни маҳкам тутиб, собит қадам ташлаб ўтадилар. Олимпиячи бўлиш — шараф. Олимпиада ўйинларининг шиори шундай. Зеро, ҳар бир йигит-қизда кучлилик, тезкорлик ва юксакни кўзлаш туйғуси мужассам. Тўрт йиллик машқ, синов ва саралаш ҳосиласи сифатида олимпиячи номини олган юртдошларимиз ўзаро қамрбаста бўлиб, Ватанимиз шарафини улуғлашга астойдил интиладилар, деб умид қиламиз.

(Олимпиадага бағишланган материалларни тўртинчи саҳифада ўқийсиз).

АҚШДА МОЛ ГЎШТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ СУСАЙМОҚДА

Мол гўшти азалдан америкаликларнинг кундалик емаги ҳисобланади. Бироқ, кейинги ўн йилликда гўшт бозори сезиларли даражада «касод»га учрамоқда. Айни пайтда мазкур секторнинг йирик ишлаб чиқарувчилари бу бозордаги вазиятни барқарорлаштириш ва мол гўштига «миллий емак» мақомини қайтаришни кўзламоқдалар. Омахида бўлиб ўтган конференция шу муаммога бағишланди. Унда ўнта штатдан гўшт етиштириш ва сотиш билан шуғулланувчи фермерлар, ўрама фирмалар, ҳукумат делегациялари ва тижорат вакиллари иштирок этди. Кейинги ўн йилликда Америка гўшт бозорида мол гўштининг ҳиссаси 15 фоизга қисқарди. Мутахассисларнинг тахминига кўра, бу бўҳроннинг олди олинмаса, яна ўн йил ўтиб мазкур қисқариш 25 фоизни ташкил этади. Ваҳоланки, 80-йилларнинг ўрталарида гўшт бозорида мол гўшти ҳиссаси 52 фоизни ташкил этарди.

Европада мол гўшти савдосини кескин тушуриб юборган «молларнинг қутуриш касали» АҚШда қайд қилинмади ва гўштга бўлган эҳтиёжга таъсир этгани йўқ.

Колорадо штатидаги «Линнко фьючерс» таҳлилий гуруҳи аъзоси Энди Готтшалкнинг тушунтиришича, «қизил гўшт»га бўлган эҳтиёжнинг сусайиши ёки ўзгариб туриши соф тиббий нуқтаи назардан ҳаракатга келади. «Одамлар гўшт сотиб олмай қўядилар, биз эса оёқларимиз остидаги заминни йўқотиб қўямиз». Қатор супермаркетларнинг ходим ва хизматчилари баҳосига кўра, улгуржи савдода мол гўштига нисбатан арзон бўлган товуқ гўштининг хариди чаққон. Шундай вазиятда ўзини қопламай қолган фермерларнинг меҳнати ҳавога учмоқда. Чунки мол гўшти савдосидан тушаётган кам даромад нисбатан қиммат бўлган ем ва озиқ-овқат қўшимчаларининг баҳосини қопламай қолмоқда. Шу ва молиявий, савдо ва рекламалар борасидаги қатор муаммолар юқорида қайд этилган конференцияга тўпланган иштирокчиларнинг муҳокама марказида турди. Айрим йирик компаниялар мол гўшти баҳосини сунъий равишда паст даражада тутиб турибдилар. Компаниялар бундай ҳолатнинг сабабини мол гўшти эҳтиёжга қараганда кўп етиштирилаётгани билан изоҳламоқдалар.

(Вашингтон, «Ассошиэтед Пресс» ахбороти).



СУРАТЛАРДА: «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонаси цехларида.

Наби ЎТАРБЕКОВ олган суратлар.

Истиқлол ва истиқбол

«ЎЗДЭУАВТО»: МАШИНАНИ КРЕДИТГА ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Мустақил юртимиз ўзининг енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган заводига ҳам эга бўлди. Асакада барпо этилган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Тико», «ДАМАС» автомобиллари бежиримлиги, бошқариш учун қулайлиги ва ёнилғининг кам сарфлаши билан кўпчилик автомобиль ишқибозларининг эътиборини тортди. Корхонада тез кунда «НЕКСИА» русумли автомобиль ишлаб чиқаришга ҳам киришилади. Бу автомобиллар ҳам жаҳон андозаларига жавоб беради.

Шу боисдан республикада қўшма корхонанинг маҳсулотларини харид қилишга катта қизиқиш билан қаралмоқда. Ана шу талаб ва истаклардан келиб чиқиб, республикамиз Вазирлар Маҳкамаси аҳолига «ЎзДЭУавто» корхонаси ишлаб чиқараётган автомобилларни сотиб олиш учун кредит бериш тартибини тасдиқлади. «Асака» ихтисослашган давлат акционерлик-тижорат банки Асака бўлими бошқарувчиси Маҳсудахон МАЛЛАБОЕВА газетхонларимизнинг шу хусусда қизиқтирган саволларига жавоб берди.

— Маҳсудахон опа, аввало «Асакабанк» бўлимида мижозларга хизмат кўрсатишнинг ҳозирги талаблар даражасида ташкил этиш учун қандай шароит яратилганлиги ҳақида гапириб берсангиз?

— Банк бўлимида мижозларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш ва тегишли маслаҳатлар бериш учун малакали мутахассислар, шароит ва имкониятлар етарли. Улар учун мижоз манфаати асосий мактаб ҳисобланади.

— Айтингчи, имтиёзли кредитлар кимларга берилади?

— Кредитлар Ўзбекистон Республикасининг доимий иш жойига ёки бошқа кафолатли даромад манбаларига эга ҳамда меҳнатга тўлиқ қобилиятли бўлган фуқароларга яшаш жойи бўйича кредит шартномаси асосида етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Имтиёзли кредит ставкалари эса қуйидагича: агар кредит уч йилда қайтарилган тақдирда йиллик фойда миқдорининг 4 фоизи, уч йилдан беш йилгача олинган бўлса 5 фоиз йиллик фойда, беш йилдан етти йилгача олинганда эса 7 фоиз йиллик фойда ҳисобида белгиланади.

— Харидор банкда «Автоомонат» счётини очиши учун қанча маблағ қўйиши керак?

— Банкимиз «Автоомонат» счётида автомобиль қийматининг 35 фоизи миқдорида маблағ бўлган тақдирдагина кредит беради. Яъни, автомобиль қийматининг 35 фоизини олдиндан тўлаб қўйиш мажбурийдир.

— Машина олувчининг 35 фоиз миқдорида пул қўйишга имкони бўлмаса-чи?

— Бундай тақдирда автомобиль олувчи «Автоомонат» счётини очиб, унга ойлик иш ҳақидан пул ўтказиш йўли билан маблағ йиғиб бериши мумкин. Омонатдаги маблағи машина қийматининг 35 фоизига етган тақдирда кредит олиб, автомобиль сотиб олиш имконига эга бўлади. Бу усул ҳам жуда қулайдир. Унинг счётига қўйган омонати ҳисобига фоиз ҳам қўшилиб боради.

— Агар олувчининг машина қийматини бирданига тўлашга қудрати етса-чи?

— Марҳамат, ундай ҳолда машинани белгиланган муддатда олиб кетиши мумкин. Банкимизда пул қанчалик кўпайса, «ЎзДЭУавто» корхонаси ва унга бутловчи қисмлар етказиб берувчи корхона ишчи ва хизматчиларининг ойлик маошларини вақтида бериш имконияти юзага келади. Бир нарса қувончлики, ҳозирдаёқ аҳоли «Автоомонат» счётларини очиш учун пул олиб келяпти. Ҳатто Самарқанд, Фарғона шаҳарларидан келган кишилар ҳам банкимизга мурожаат қилишиб, имтиёзли кредит қилиш тартиби билан қизиқишди. Уларга мутахассисларимиз тўлақонли маслаҳат беришмоқда. Шуни ҳам айтиш жоизки, мижозларимизнинг бошқа вилоятлардан бизга келиб мурожаат қилишлари шарт эмас. Барча вилоятларда банкимизнинг шохобчалари очилмоқда. Асака шаҳрининг ўзида тўрт жойда банкимизнинг шохобчалари мавжуд. Улар «ЎзДЭУавто» корхонаси, ип-газлама фабрикаси, мотор таъмирлаш заводи қошида ва банкимиз маъмурий биносига жойлашган.

— Маълумки, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси шу йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб бир маромда ишлаяпти. Мижозларга хизмат кўрсатишни кўнгилдагидек ташкил этиш учун сизларда қандай имкониятлар бор?

— Банкимиз олдинги «Ўзсаноатқурилишбанки» базасида ташкил этилди. Шу боисдан малакали мутахассисларга танқислик сезмадик. Мижозларга хизмат кўрсатиш ва малакали маслаҳатлар бериш учун бизда имкониятлар етарли. Банкимиз илгариги мижозларини сақлаб қолгани ҳолда «ЎзДЭУавто» корхонасига бутловчи қисмлар етказиб берувчи яна тўртта корхонага хизмат кўрсатмоқда. Асосий мақсадимиз — мижозларимизга сифатли хизмат кўрсатишдир. Ишончимиз комилки, янги қўшма корхона республикамиз иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади.

Суҳбатдош:
Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Аччиқ, аммо очиқ гап

Таваккалчилар

Элликқалъа туманидаги Ал-Хоразмий номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида бир неча хусусий корхона фаолият кўрсатяпти. Унинг кўпчилиги «Тадбиркорбанк» туман бўлимидан қарз олиб, иш бошлаганлар.

Отаназар Ризаев — муҳандис. У раҳбарлик қилаётган «Тадбиркор» хусусий корхонасининг фаолияти асосан ўзининг мутахассислиги билан боғлиқ. Балким, ютуқларининг омили ҳам шундадир. Унинг корхонаси қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлайди, эҳтиёт қисмлар етказиб беради. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган электродга талаб катта. Моллар омборда туриб қолаётгани йўқ. Аксинча, мижозлар молни кутиб қолишади. Ҳозир Отаназар электрод ишлаб чиқаришни кўпайтириш ташвишида юрибди. Шунингдек, корхонада ҳар мавсумда 1,5 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариляпти. Қурилиш бригадаси ташкилотлардан ва аҳолидан тушган буюртмалар асосида қурилиш ишларини бажаради.

Яқинда корхонада сув чиқариш насосларини таъмирлаш йўлга қўйилди. Уюшмалар буюртмаси асосида бундай насослар ўрнатиб ҳам берилади. Бир сўз билан айтганда, «Тадбиркор» хизматига қишлоқда талаб катта. Корхонада 30 киши доимий иш билан банд. Йил охиригача яна шунча иш ўрни яратилади. Корхона фаолият бошлаганда банкдан олинган 200 миллион сўм купон қисқа вақт ичида тўланди.

Бироқ, ҳудуддаги «Райҳон-1» хусусий корхонасининг 1993 йилда олган 25 миллион сўм купон қарзи фоизи билан 118 минг сўмга етди.

— Тумандаги пахта тозалаш заводига йил бошидан бери 53 минг сўмлик транспорт хизмати кўрсатдик, — дейди корхона эгаси Матёқуб Қобулов.

Унинг завод билан тузган шартномасида ҳақ тўлаш муддати ҳақида ҳеч қандай гап йўқлигини кўргандан сўнг буюртмачи ҳақ тўлашни истаганча чўзиши мумкинлигига амин бўласиз.

Шу уюшма ҳудудидаги «Дилдор» хусусий корхонасини республика хўжалик суди яқинда банкрот деб эълон қилди. 50 миллион сўм-купон қарз олиб иш бошлаган бу корхонанинг қарзи ҳозирги кунда салкам 250 минг сўмни ташкил этади. Олди-сотди билан шуғулланадиган бу корхонанинг дастлаб олган моли касодга учради. Корхона эгаси Самандар Азимов ҳозирги оғир молиявий аҳволнинг қандайдир қисмини маҳаллий ҳокимият, банк зиммасига юкламоқчи бўлади:

— «Тадбиркорбанк»нинг ходимлари фақат бир марта қолдиқ миқдорини аниқлашга келишди, холос. Нима иш қиляпсан, қандай йўлдан боряпсан, деб ҳеч ким суриштирмади. Туман ҳокимлигининг тадбиркорлар билан ишлайдиган бўлими (тадбиркорлар ассоциациясини назарда тутяпти, шекилли) бор экан. Бир марта чақириб, мен сизлар билан ишлашаман, соф фойдадан икки фоизини ўтказиб турасизлар, деди. Кейин уни кўрмадим.

Самандар Азимов тўла ҳақ бўлмаса ҳам, балки унинг гапларида жон бордир? Корхонани очишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни чиқаргандан сўнг ҳокимликнинг иши тугамайдими? Ахир, иқтисодий билимларини ошириш биргина тадбиркорнинг ўзига боғлиқ эмас. Бугун унга шартномалар тузиш, ўзаро молиявий алоқалар ҳақидаги билимлар жуда-жуда керак.

Минг хил маълумотномалар, ҳужжатлар тўплаш, ойлаб югур - югурлардан сўнг ниҳоят қарз олишга эришган тадбиркорга — мижозга банк ҳам ёрдам кўрсатса, бугунгидек қарзини олиб тутқич бермаётганларни излашга, 12 корхонани хўжалик судига беришга мажбур бўлмасмиди?

Туманларда номигагина таъсис этилган тадбиркорлар уюшмасичи? Уюшманинг тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчисига, ташкилотчисига айлангани ҳақида, афсуски ҳозирча мақтов сўзлари эшитмадик.

Бир нарсани ҳамиша ҳисобга олиш зарур — айрим хусусий корхоналарнинг эгалари, раҳбарлари иқтисодиёт соҳасидан йироқ кишилар. Ва яна, давлатдан талаб қилиб ўрганган кишилар онги бирданига бозор иқтисоди муносабатларини ҳазм қила олмайдилар.

Қарз олганда етти ўлчаб бир кесиш керак. Аниқ иш режасига, шу режани амалга ошириш иқтидоринг бўлиши керак. Шунингдек, қарз берганда ҳам. Агар таваккал қилсанг, қарзни ундириш учун анча вақт, маблағ ва асабингни сарфлашга тўғри келади.

Бир сўз билан айтганда, бугун молиявий муносабатларга киришаётган, қарз олаётган киши эртага фойда олмаган тақдирда зиммасида қандай масъулият турганини аниқ ҳис этадиган шароит яратиш зарур.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маънавият

КИМ КЎП КИТОБ ЎҚИЙДИ?

Тошлоқ туманидаги марказий кутубхона биноси неча йилларки, авария ҳолатида эди. Одамлар юрак ютиб кутубхонага киришолмасди. Яқинда шу ердаги пахта тозалаш заводи ўзига қарашли икки қаватли ҳашаматли кошонани таъмирлаб, марказий кутубхона жамоасига топширди. Бинони таъмирлаш ва уни жиҳозлашга корхона жамоаси 510 минг сўм сарфлади. Вилоят маданият ишлар бошқармаси эса заводнинг бу ташаббусини қувватлаб, миннатдорчилик рамзи сифатида 50 минг сўмлик ўзбек тилидаги турли бадиий китобларни кутубхонага тақдим этди.

Умуман, Тошлоқ туманида кутубхоналар фаолиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Тумандаги 52 та кутубхонада 500 минг донага яқин китоб бор. Китобхонлар сони 40 минг кишидан ошиб кетди. Тез орада яна 8 та янги кутубхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилади. Тумандаги 64 та дала шийпонида ва 120 га яқин маҳалла қўмитаси идораларида ҳам мавсумий кутубхоналар ташкил этишга ҳаракат қилиняпти.

Туман кутубхоналарида адабий кечалар, «Энг моҳир кутубхоначи» кўрик-танлови, турли адабий учрашувлар ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиляпти. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб туман кутубхоналарида «Буюк Турон мулкининг соҳиби» номли икки босқичдан иборат танлов ўтказилаётир. Шунингдек, соҳибқиронга бағишланган «Етти иқлим ҳукмдори», Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига атаб «Ота юртим — буюк Туркистон» китоб кўргазмалари ҳам ташкил этилди.

Тошлоқ туманида «Кутубхоналар учун энг яхши бинолар» ҳаракатининг бошлангани хайрлидир. Зеро, юртимиз тарихини, халқимиз қадриятларини шу китоблардан биламиз. Миллий ғуруримиз ўсади. Истиқлолга бўлган ишончэътиқодимиз юксалаверади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳар қандай миллий маданият тарихан таркиб топиб, доимий ривожланиш жараёнини бошидан кечирадиган ўзига хос миллий қадриятлар тизимидир. Бу тизимдаги ўзгаришлар жамият ҳаётида кескин бурилишлар содир бўлаётган даврда айниқса яққол намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда республикамизнинг мустақилликка эришиши миллий-маданий ривожланишдаги буюк ўзгаришлар нуқтаси бўлди, деб айтиш мумкин. Мустақил давлатнинг мафкураси ҳақида фикр юритадиган бўлсак, хоҳлаймизми, йўқми, мулоҳазаларимиз турли миллат ва элат, маслак ва манфаатларга эга бўлган жамиятнинг барча аъзоларининг ижтимоий тарбиясига бориб тақалади.

Тарбия ахлоқнинг ўта мураккаб шаклларидан биридир. Шунинг учун ҳам у турли ижтимоий вазифаларни бажаради. Ижтимоий тарбия тизимида энг асосий ўринни таълим мактаблари эгаллайди. Чунки эндигина оила тарбияси таъсиридан чиққан болакай умумий таълим мактабларининг режалаштирилган тарбиявий, яъни мафкуравий таъсир доирасига киради.

Тарбия муаммолари ҳақида гап кетса, дарҳол педагогларга мурожаат этишади. Менимча, тарбиянинг энг асосий куртаклари оилада шаклланади. Яхши хулқ-

ИСТИҚЛОЛ ТАРБИЯСИ

одоб эгасини тарбиялаш учун аввало оила аъзоларининг ўзи яхши хулқ-атвор эгаси бўлиши лозим. Оила аъзоларининг муомала ва муносабатлари ёш авлодни тарбиялашда, уларнинг хулқ-атворининг шаклланишида намуна бўлиб хизмат қилади. Яхши таълим эса мактабда берилади.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар энг аввало ёшлар психологиясида, қарашларида ва муносабатларида акс этади. Агар, бу ўзгаришларни фикрлари шаклланган, маълум бир турмуш тарзига ўрганган катта ёшдаги кишилар жуда секинлик билан қабул қилса, ёшлар уларга тез мослашади. Бозор муносабатларига ўтишнинг бошланиши биланоқ , бу ўзгаришларнинг тарафдорлари ёшлар бўлиб чиққанини кузатамиз. Кўпчилик ёшларда ҳамма нарсани пул билан ўлчаш, ҳамма нарсани сотиш ёки сотиб олиш мумкин деган тушунчалар мавжуд. Худди шундай тушунчалар эса авлодлар яратган бойликларни, қадриятларни, ҳатто миллий маданиятнинг қадрсизланишини келтириб чиқариши мумкин. Шу боисдан ҳам мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшларга ҳар қадамда, ҳар онда, мактабдами оиладами қаерда бўлишидан қатъи назар Ватан тушунчасини англашни, унга содиқликни, миллий ғурурни, шарқона фазилатларни такрор ва такрор таъкидлаш фойдадан ҳоли эмас.

Ўзбек оилаларида болаларни маънавий-ахлоқий шакллантиришда қариялар билан ёшлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, бир-бирини қўллаш каби олижаноб хислатлар муҳимдир. Ҳозирги замон талабига мос келадиган баркамол соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишда бугунги оила зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифалар юкланади.

Баркамол ва оқил ёш авлодни миллий ғурур, она табиатни эъзозлаш, таълим, тарбия тадбирларида миллийлик, исломий қадриятларга ҳурмат, шарқона фазилатлар, вафодорлик, садоқатлилик, меҳнатни улуғлаш ва бошқа кўплаб хислатларни ўргатиш ҳар бир мураббийнинг асосий бурчи бўлмоғи лозим.

Турсуной ТЎЙЧИЕВА,
ТошДУ аспиранти.

Ҳукм қилинди

БОЛАСИНИ ЖИНОЯТГА ЁЛЛАГАН ОТА

Жаҳолат ақл душмани. Қаердаки унга эрк берилса, уша ерда бахтсизлик, қабоҳат рўй беради. Шайтон инсонни ўтга-чўғга уради. Йўлидан адаштиради. Инон-ихтиёрини олиб қўяди.

Буни биз иймони сустликка йўямиз. Сабр ва идроклилик бор жойда шайтон суқулмайди. Чунки у ерда ақл ҳукмдор. Ёшми, кексами шундан бенасиб қолмасин экан... Форишлик ота-болага бу инсоний фазилатлар мавжуд эди деб бўлармикан?

Ҳабибулло Маликов 40 ёшда. Ўғли Шерзод ўн саккиз баҳорни қаршилаб-қаршиламаган. Айни навқирон ёшдаги ота оқ-қорани энди таниётган фарзандини қабоҳатга бошлади. Усмирликнинг шўх-шаддод палласига қадам ташлаган Шерзоднинг қўли қонга беланди. Қотил номини олди. Падари бузруквор унга шу тамғани «тортиқ» қилди.

Шу йилнинг 30 январи. Қоронғулик сепини ёзган маҳал. Кун бўйи югуриб-елганлар юмушларини битириб, уй-уйига қайтяпти. Улар қаторида Ҳабибулло Маликов ҳам. Аммо у тўғри уйига боргиси келмади. Чарчоғини тарқатиш баҳонасида ҳамроҳи Абдулло билан савдо дуконига бурилишди. Шу чоғ уларнинг рўпарасидан ҳамқишлоқлари, муаллим Тўйчи Хандамов чиқиб қолади. Саломалик қилишади. Тўйчи чўллан, акасиникидан келаётганини айтади.

— Сиз ҳам узоқдан ҳориб келибсиз. Юринг, қиттак-қиттак қиламиз.

Тўйчи розилик бермаса-да, қўярда-қўймай дуконга кириб, 4 шиша вино оладилар.

— Қани, домлам уринг энди.

Ҳабибуллонинг бу «мурувватини» Тўйчи рад этади.

— Мен вино ичмайман.

Сал-пал қизишиб олган Ҳабибуллога бу боқчача таъсир этади.

— Сен қачондан бери бойвачча бўлиб қолдинг. Бизлар билан ичмаган сенинг...

Ноҳақ сўзлар ҳақоратга, у эса жанжалга айланади.

— Бас, қилинг энди Ҳабибулло ака. Уят бўлади.

Тўйчи уни тартибга чақирсада муросага келишмайди. Узаро муштлашадилар. Шу жойда Тўйчи оғзидан шоди кириб, боди чиқаётган Ҳабибуллони уриб, енгил тан жароҳати етказади. Бундан жаҳли чиққан Ҳ. Маликов уйига бориб, ов милтиғини олиб чиқади.

Судда қўшимча гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Зол Маликов ўз кўрсатмасида бундай деди: «Ҳабибулло ўғлим бўлади. У умр бўйи овчилик билан шуғулланиб келган. Илгари қўшоғизли милтиғи бор эди. Ҳужжатиям бирга эди. Лекин у эскириб, ярамай қолди. Шундан кейин Ҳабибулло 10-15 йил бурун овчиликни йиғиштирди. Қўҳна милтиқни эса кимнингдир бир оғизли милтиғига алмаштириб келди. Аммо ҳужжатсиз. Рўйхатдан ўтказгин, ҳужжатлаштиргин, деб кўп карра айтдим. Қулоғига олмади...»

Ғазаб отига минган Ҳабибулло остонадан ҳатлай туриб ўғли — 1978 йил 9 декабрда туғилган Шерзодга гапира кетди.

— Қўшнимиз Тўйчи мени ноҳақдан урди. Юр, уни отиб ташлаймиз.

Оқ-қорани ўнглаб-ўнгламаган Шерзодга бу дарров таъсир қилади. Ёшлик ғурури қўзийди. Отасига эргашади. Шу тариқа отабола ўзаро жиноий тил бириктиради. Шаҳсий адоват замирида, безорилик оқибатида падари бузруквор ўз ўглини жиноятга ёллайди.

Инон-ихтиёрини жаҳолат эгаллаган отабола «зўравон»нинг олдига борганда уйдан муштумзўрнинг акаси Рашид Хандамов чиқади. Унинг кўзи Ҳабибуллонинг қўлидаги милтиққа тушади.

— Тинчликми? Сизга нима бўлди Ҳабибулло ака?

Кайфданми, жаҳлданми ҳансираган Ҳабибулло дилидагини тилига чиқаради.

— Уканг Тўйчи ноҳақдан ҳақорат қилди. Урди. Уни отаман!

Қишлоқда обрў-эътиборли, М. Оралов номли ширкатлар уюшмасида бош ҳисобчи ўринбосари вазифасида ишлаётган, олий маълумотли мутахассис, 5 фарзанднинг отасидаги бу важоҳатдан Рашид чўчиб кетади. Ялинади.

— Укам урган, ҳақоратлаган бўлса кечирим сўрайди. Гуноҳидан ўтинг.

Рашид шундан кейин ёлвориб Ҳабибуллонинг елкасидаги милтиқни олмоқчи бўлади. Яхши гап яхшида. Бироз ҳовири пасайган Ҳабибулло юмшайди.

— Майли унда.

У шундай, дея милтиқни бирга келган ўғли Шерзодга узатади. Шу пайт ҳовлида Тўйчи кўриниб қолади. У молхона томондан чиқиб келаётганди. Уша тобда муросага кела бошлаган Ҳабибуллонинг миясига ўт чақнайди. Ўглига хитоб қилади.

— Ана, отангни урган Тўйчи. От уни.

Шунда Шерзод отасининг гапини икки қилмасдан, ўқланган милтиқни Тўйчига тўғирлаб тепкини босади. Натижада Т. Хандамов 10-15 метрлар чамаси юриб, ерга йиқилади ва воқеа жойида вафот этади.

Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 28-моддаси талабига кўра марҳум Хандамов Тўйчини ўлдиришда судланувчи Маликов Ҳабибуллони бевосита у жиноят содир этилишига раҳбарлик қилгани учун уни ташкилотчи, ўғли Маликов Шерзодни бажарувчи деб топишни лозим топди.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Уша сабабдан ота-бола қилмишидан топди. Жиззах вилоят судининг очиқ суд мажлиси Судья К. Аҳмедов, вилоят прокуратурасининг тергов бўлими прокурори Ш. Раббимов иштирокида бу жиноий ишни кўриб чиқди. Суд ҳукмига кўра Маликов Ҳабибулло Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 248-моддаси 1 қисми, 127-модданинг 3 қисми, 97-моддаси 2 қисми, «Л» ва «П» бандлари, 59-моддасига кўра 20 йил озодликдан маҳрум этилди. Жазони қаттиқ режимли колонияда ўташ белгиланди.

Судланувчи Маликов Шерзод Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми «П» банди билан айбдор деб ҳисобланиб, шу модда билан озодликдан маҳрум этилди.

Оталар бор. Фарзандининг камолатини ўйлайди. Елиб-югуриб уни тўғри, ҳалол йўлга бошлайди. Оталар бор. Ўзи амалга оширолмаган орзу-ниятларини боласига тилайди. Қўзининг оқу-қораси бўлмиш фарзандига Оллоҳдан инсоф, диёнат сўрайди. Оталар бор. Ўглининг эл суянчиғи, маҳалла-қўйнинг маслаҳдоши, маънавиятнинг беги бўлиши учун тунларини бедор ўтказиб, тарбиялайди. Уни бир зум ҳам беэътибор қолдирмайди.

Афсус, кўп бора афсус. Ҳабибуллодек ота ҳам орамиздан чиққанига афсус...

Фурқат НОСИРОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлимининг катта терговчиси, 1-даражали юрист.
Қурбон АЛИ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бастакор Ҳабибулло Раҳимов «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида Н. Нарзуллаев шеърларига басталанган «Мен ғунчаман», «Мустақил диёрмиз», «Ватанимга хизмат қиламан», шунингдек, «Ёшлик сурури» С. Барноев шеъри, «Олтин дамлар», М. Мирзо шеърлари билан айтиладиган қўшиқлари билан қатнашяпти. П. Мўминнинг «Жаҳонда Ўзбекистоним» шеърига басталанган қўшиқ эса танловнинг якунловчи босқичига тавсия қилинган.

ЖАҲОНДА ЎЗБЕКИСТОНИМ

(Истиқлол ғазали)

Ҳабибулло Раҳимов мусиқаси — **Пўлат Мўмин шеъри**

Ватан озод қучоғингда камолингга яна тўйсам,
Дилим тўлгай ғурурларга чаманларга қадам қўйсам.

Бугундан эрта ёрқиноқ деган ҳикмат яшар элда,
Ошар меҳрим маконимга имон, идрок ила тўйсам.

Бу истиқлол хумо қўшдан насиб этган қўёшимдур,
Буюк Турон самосида бошингга тож қилиб қўйсам.

Танилдинг, тан олиндинг сен жаҳонда Ўзбекистоним,
Мўминдурман, минг арзийдур Ватан жоним дебон суйсам.



Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган танловга

ОФТОБ ЙЎЛИДА СОҲИБҚИРОН ИЗЛАРИ

Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм!

Бир нозик қиёс бор наздимда, балки айтилмаган насру назмда. Бир дам ўйлаб кўргил ва хаёл сургил. Назора қилсанг гар, Офтоб йўлини, унда кўражаксан, Ҳақнинг мўмин қулини. Офтоб ибодатли мўминга ўхшаб, малол билмай, канда қилмай, ҳар тонгда шошиб уйғониб, қувониб, покланиб айтади: «Ассолоти хайрулмананнавм, биз ҳам Муҳаммадга бўламиз қавм». Юзини буради Қиблага қараб, тилагани тавоф, истагани савоб. Қиёмга тиклагач алиф қоматин, саждаи заминга эгилиб аста бошини қўяди— уфқ ораста.

— Аё биродар, тонгда туриб, покланиб мен билан юр, кел қўлингни бер, салом бериб бобо Қуёшга, зиёрат этамиз Қашқадарёни. Учиб келганимиз бу баланд тоғлар, манов Ҳазрати Султон, бўйлашгани осмон, сўйлашгани осмон, улуғликка имон, тўлиғликка имон, манов эса Матмон — тоғлар қатидаги кўрпача тахмон, заминнинг ёшини ўқимоқ мумкин. Чинорлар қўйнида Ҳазрати Башир, покдомон туйғудан қўшиқлар тўқир. Манов Қорабулоқ, қўшиғига сол қулоқ, мўминга худони етказур мутлоқ. Ялтираб эрийди чўққиларда қор, пойида минг кўзли чашмалари бор. ШУНДАН БОШЛАНАДИ ҚАШҚАДАРЁМИЗ. Туташади шунда Ҳисор, Зарафшон. Қиблага чўзилган тоғ—Чақиликалон. Гўё Машриққа тортилган камон. Тахтиқорачадан токи Жом қадар, тавофга талабгор. Офтоб йўли бўйлаб ётар сарбасар. Билсанг, яна билганинг яхши, билмасанг назарга илганинг яхши. Демишлар бу офтоб йўлида, тоғлар белида боболари ўтган Буюк Темурнинг, саркарда, назаркарда, соҳибқирон ва олий нишон, бир илоҳий инсон Темурнинг... Эшитганим ботбот турфа ривоят, кўрганим ва ҳайратла боқиб турганим бу тоғлар, адоғида боғлар, барлосий бек номин сўроғлар...

ТАРАҒАЙНИНГ ОЛМАСИ

Тарағайнинг тарам-тарам, оқмағиз олмалари пишганда, силкитмайин тўп-тўп тагига тушганда, унутиб борйўқни, оч назар суқни карсиллатиб есанг, шукр ниҳолига барака, дейсан. Жаннатмакон тоғли Тарағай ҳудо берган сой, бошдан оёқ чашма, боғ-роғ, тошни ёриб ўсган кун тегмас чорбоғ. Тилдан-тилга, отадан ўғилга ўтиб келган ноёб бир тарих, ўчмаган беном, яшаб келган ва ҳамон яшар барлосий қавм зукко фаҳм, ақидаси ислом, уломайи киром, мазҳаби Имоми аъзам, пири Баҳовуддин «Даст ба кору дил ба ёр». Демишлар шу жойда, шу сойда яшаб ўтган боболари Темурнинг. Ошкора ўқигани Қуръон, ер ҳайдаб егани оппоқ буғдой нон, экиб ўстиргани оқ олма, қизили бисёр, қирмизи олма, «Тарағайи олма» еган дармонда, емаган армонда. Ишонмасанг келиб кўр. Тарағайсой бошида, «Қизил олма» деган жой. Очиб чирой, ўша шукуҳли тарихга гувоҳ ва муаззам қишлоқ, узун сой Баҳодир номини эъзозлаган юрт — Тоғли Тарағай. Бунда яқин ўтмишда яшаган бир табаррук зот, темурий авлод, илму уммон, машойихи даврон кўксига босиб Қуръонни, писанд этмай ўтди Қизил замонни, аллома зотига мансуб Иброҳим Хатиб, воҳ қандай армон, келмагай қайтиб, кетди кетганига шукрона айтиб.

Бир таскин яшайди дилимда, бу сой ҳамон олдин илмда. Оққан ариқ оқмасдан қолмас. Иброҳим Хатибнинг номи йўқолмас. Нурмуҳаммад ўғли Мулла Иброҳим. Содда таржимаи ҳол. Айби-мулло бўлган қулоқ ўғли. Ота бобо касби диндор, заминдор, боғбон. Мушт-дай чоғидан ўқиган китоби, ёдда ҳар боби, форсий ва туркий «Темурнома» ва яна «Нурнома». Тилда ва дилида «Каломи шариф». Дунё тарихидан сўзлатинг уни, мозийга улайди бугунни. Масту беҳол ошиқ, севгани худо. Сўраб қолсангиз гар Соҳибқиронни ажратиб беради яхши-ёмонни. Кўрсатиб қўяди офтоб томонни. Муллалар макони ўша жой, Баҳодир номин олган сой — Тарағай. Ёндош Куруқсойни дема Куруқ сой. У қадим боболар қўриғи. Шаккаристон узумзор бунда, арғувоний бода асрашар хумда. Бир қултум ют, дунёни унут бир зумда. Нариёғи Сафилтош ва Туркиқўрғон. Тошларга битилган хат, антиқа сурат. Ҳарсангга пиширган кулча нонини, душманга бермаган дин-имонини. Қояларда кўрдим Бобур суратин, от миниб овлайди архарлар зотин. Адоқда Ҳезимлак, ўтинчи қишлоқ Анови Дастортош, Пўфакли азиз. Манов Говхона, дема молхона. Қишинёзин яйлов, семиз бўлар гов. Демиш Баҳодирбекнинг юрган мол ҳоли. Адоқда Бузовут кўл ёқасида, бузоқлари учун кўмкўк ўт ўсган аслида. Шунда бор табаррук мозор, Эронлардан қолган гап. Балки миш-миш. Темурнинг падари илк бор, шунда қўйилмиш. Сўнгра кўчирилган Яшил шаҳарга. Яна бир гап, эмас бесабаб. Шу қадим мозорда ётмиш, бобо юрт тупроғин ютиб, даври Қиёматни кутиб Жаҳонгирнинг опаси. Тангри ҳар нарсани билгувчи танҳо...

АМИР ТЕМУР ҒОРИ

Ҳисор, Зарафшоннинг ғорлари кўпдир. Чўққилар юлдузни кўзлаган тўпдир. Бунда боқий иккита ғор. Маҳобатли донгдор, иккиси ҳам Қашқар томонда. Бири Ҳисор, бошқаси Чақиликалонда. Нега шундай? Савол, келмаса малол. Жавоб берар менинг ғоршунос дўстим. Бу ғорлар қадим унгурлар, маҳобатли бошпана. Миллион йиллик томчининг иши. Балки ўзга номда аталган аввал. Балки ёвуз руҳлар яшаган макон. Қачонки тушибди Темур назари, ҳар қандай иблис руҳ кетмиш тозариб. Манов жаннат макон Тарағай, бошида Олмалисой. Ўнг елкаси оқ нов, оқ қоя, ҳарсанглар пилла поя. Манов тош минора, тош тахт, тош чимилдиқ, Шаҳристон аташар уни қадимдан. Манов Темур ғорин айвони. Салкам ўн метрлик тош йўлак. Тешиб ўтган қояни, қўл билан ўйилган чўкични қадаб. Демишлар бу ишни Темур қилдирган. Кейин тошлар оралаб, беш-олти метр тушилар пастга, этакка қарасанг тикка зов, юрак бермас дов. Эгилиб, эмаклаб кирасан ғорга. Кутиб олар йўлга чиқмайин, ғорнинг беминнат маош олмайдиган қаровуллари, кечани алмаштириб кундузга, тандирга ёпилган сомсадай ёпишиб тошга, мудрайди қўршапалаклар. Қоронғи, қоп-қоронғи кўмирдан қаро, ёритмас фонар, керак машъала. Каттариб борар йўлак, кейин катта зал, афсонавий қаср. Гўё усти ёпиқ ҳайбатли гумбаз. Шифтларда осилган зар қандил-сумалаклар. Адо бўлмас хазина, етар кўзинг, етмас бўйинг, туймайсан, очкўзлигинг қўймайсан, олгинг келаверар қўпориб, олазарак қараб атрофга, кўзинг тушар яна қибла тарафга. Ана тикилиб турибди Темур, бирдан липиллаб ўчади чироғинг, бор-йўқ яроғинг. Яхшиям олмовдинг зар сумалакдан. Англаб етасан, маъно ютасан, бу ғор нечун Темур номида. Демишлар йўл кетар шу ғордан, ер ости йўли, бири Оқсаройга, бири эса Шоҳизиндага. Фақат Оллоҳ ҳар нарсани билгувчидир. Ўзингча ўйлайсан нега ёздирмаган Темур ғор деворига: «Бизким Хоқони мулки Турон, агар шубҳанг бўлса кучқудратимга юртим ғорларини келиб кўр!»

ЛАНГАР ОТА-СУЛТОН ВАЙС ҚАДАМЖОСИ

Сен Султон Вайссан садоқатинг бор,
«Ҳирқайи муборак» мукофотинг бор.
Авлиё отлиғим шарофатинг бор,
Лангарим онам, имоним менинг.

Бир ёнда Тарағай бир ёнда Лангар. Қозони бир, меҳмони бир, имкони бир, елкадош овул. Ҳазрати Лангар — Лангур-улуғ, муаззам қабр, авлиёлар ҳоки ётган жой. Тавоф талаб, зиёрат талаб. Султон Вайсга макон берган, имкон берган юрт. Унинг висолига интизор бўлиб, дилинг орзуга тўлиб, қадаминг етса гар Лангаристонга, аввало тавоф қил қадамгоҳларин. Супатош устида оёқ излари. Вайсил Қирон билан икки саҳоба, учрашиб кўришган, табаррук манзил. Бунда не-не зотлар бош эккан. Сен ҳам қўлларингни кўтар дуога. Илоҳи омин — оллоҳу акбар!

1991 йил. Мустақил юртда дастлабки қадам. Темур изларини излаган. Илмий экспедиция. «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» Жаҳонгир руҳини шод айлаб, мозийга қўл чўзиб, яп-янги харита тузиб, биринчи юриш-Самарқанд-Шаҳрисабз-Қарши. Ораликда эса Тарағай, Лангар. Тўхтаб қадамжони қилишиб тавоф, топишиб савоб, зиёрат этдилар хонақоҳларни. Ҳазрати Лангар. Сақланиб қолгани учта обида. Катта-кичик икки хонақоҳ. XV — XVI аср. Оғиздан-оғизга ўтган тарих. Бунда макон топмиш абадий Абул Ҳасан Ишқий авлодлари. Ишқийнинг таърифин Навоий берган. Жомийдан жавоҳир терган: 628. Шайх Абул Ҳасан Ишқий. (Сирлари муқаддас бўлсин) Хоразмдандур, Шайх Боязид Ишқий (Сирлари муқаддас бўлсин) силсиласи султонул орифин. Султон Боязид Бистомий раҳимоллоҳуга етар. Анга тарбият қилгандур. Ўз замонида фақир аҳлининг муқтадоси эрмиш, балки машойихнинг пешвоси. Мурид ва асҳоби кўп ва каромат ва мақомати андин кўпроқ. «Насойимул муҳабба-мин шамойил футувва» китобидан. Лангар ота саййидлари сақлар Шажара. Унда Ишқий бундоқ этилмиш таъриф: «Ҳидоятул ислом, хуш феъллик, ҳаёти баракали, ярқироқ чақмоқдек, булоқ кўзидай, худонинг ишқи шаробига ғарқ бўлган. Мақомати ва каромати кўп бўлган шайх. Абул Ҳасан Ишқийдан Шайхзода Маҳмуд; ул зотдин уч ўғил Муҳаммад Амин, Аҳмадшайх, Муҳриддиншайх; Муҳриддиншайхдан бир ўғил Миримшайх ва ҳоказо»... Булар Лангар ота шайхлари. Макон топмиш хонақоҳларда, Эъзозлаган Темурий зотлар. 92 уруғ улуғлар, ёдлар... Яна Тангри ҳар нарсани билувчидир. Кунчиқишда эса Мунчоқтепа. Тупроқ остидаги шаҳар. Оташпарастларнинг қадим қўрғони. Дарё ёқасида куюк чинор. Султон Вайс мўъжизаси. Кўкарган касов. Султон тиззалари ботиб кетган тош. Ҳирқайи муборак — пайғамбар тўни, мерос қолган Абул Ҳасан Ишқийга. Ёзаберсанг бир олам тарих. Яна бири Ишқий масжиди. Бино бўлгани: ҳижрий 122 йил, мелодий 840 йил. Қайта қурган экан Темурий зотлар. Исботи: Масжид шифтидаги нақшлар, ажабтовур гўзал, Боқий ҳаёт рамзи-ўчмас ранг билсанг Соҳибқирон истаган ғоя, яккаш жаҳонгирни этар ҳимоя. Устунлари арчаю чинор кўрган кўз яшнар. Аё бирдар ростин айтай, бунда ҳар бир тошуғишт, ТЕМУР ИЗЛАРИНИ ҚИЛАР ПАРВАРИШ. Чўзилмасин дея ҳикоя ўқувчини қилиб ҳимоя, уч нуқта қўямиз бугунча. Офтоб йўлларида яна учрашгунча...

Ғози РАҲМОН.

ВАЛИ МУРОДОВИЧ МУРОДХЎЖАЕВ

Республиканинг собиқ молия вазири Вали Муродович Муродхўжаев 1996 йил 16 июль куни узоқ давом этган касалликдан сўнг 80 ёшида вафот этди.

В. М. Муродхўжаев меҳнат фаолиятини 1936 йилда жамоа хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган эди.

У 1937 йилдан 1943 йилга қадар давлат банкининг Тошкент шаҳар бошқармасида катта бухгалтер, давлат банкининг Хоразм вилоят идорасида кредит инспектори, давлат банкининг Қўшкўпир туман бўлими бошқарувчиси бўлиб ишлади. 1943 — 1947 йилларда Хоразм вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, Урганч шаҳар ижроия қўмитаси раиси бўлди. Кейин давлат банкининг Қашқадарё вилоят идорасининг бошқарувчиси, қишлоқ хўжалик банкининг Ўзбекистон республика идораси бошқарувчиси лавозимларида хизмат қилди.

В. М. Муродхўжаев 1957 йилда республика молия вазири этиб тайинланди. 25 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида шу масъул лавозимда ишлади.

В. М. Муродхўжаев Молия вазирлигига раҳбарлик қилган даврда республика иқтисодиётини ривожлантиришга, молия ходимларининг ёш авлодини тарбиялаш ишига улкан ҳисса қўшди.

В. М. Муродхўжаев бир неча марта республика Олий Кенгаши депутатлигига сайланган эди. У ҳақли равишда республика фаоллари ҳамда молия органларининг ҳурматэътиборини қозонган инсон эди.

В. М. Муродхўжаевнинг давлат олдидаги хизматлари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган, унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвони берилган эди.

Вали Муродович Муродхўжаевнинг порлоқ хотираси қалбларимизда яшаб қолади.

И. А. КАРИМОВ, Ў. Т. СУЛТОНОВ, И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ, Б. С. ҲАМИДОВ, Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ, Т. А. АЛИМОВ, В. А. ГОЛИШЕВ, Т. Н. ГУСЬКОВА.

ДУНЁ ЎЗГАРИШЛАРИ

ХИТОЙ УЛКАН КЕМАГА ЭГА БЎЛМОҚЧИ

• ПЕКИН. «Хитой улкан кема қуриш технологиясини қўлга киритиш мақсадида Украинадаги йирик кемани таъмирлашда ҳамкорлик қилишга интилмоқда», деб хабар беради Киодо Цусин ахборот агентлиги.

Манбаларга қараганда, Хитой дастлаб Украинадан тахминан 70 фоизи қуриб битказилган улкан кемани сотиб олишни режалаштирган, аммо кейинчалик маблағ етишмаслиги туфайли бундан воз кечган эди.

Агентлик мухбирининг таъкидлашича, ўтган йили ХХР Россиядан 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида қурол-яроғ сотиб олган.

КУЧЛИ ТЎФОН ОҚИБАТИ

• ТОКИО. Япониянинг Симодате шаҳридаги кучли тўфон натижасида тахминан 20 хонадонга шикаст етди, 17 киши жароҳатланди. Аҳоли орасида қурбонлар йўқ.

Довул натижасида Токионинг Ибараки префектурасида бир қанча дарахтлар ва электр токини узатувчи линиялар ишдан чиқди.

МУЛКНИ ТАҚСИМЛАШГА ДАЪВАТ

• БЕЛГРАД. Югославия ташқи ишлар вазири Милан Милутинович собиқ Югославия совет Федератив республикаси таркибига кирган давлатларни четдан воситачи аралаштирмасдан ЮСФР давлат мулкини тақсимлашга чақирди. У Македониянинг «Вечер» газетаси мухбири билан суҳбатда янги давлатлар бошлиқларини ўзаро музокаралар олиб боришга ва ҳар қандай даъволарни биргаликда ҳал қилишга даъват этди.

«Нималарга эга бўлганимиз ва нималарга эга бўлишни истаётганимиз ҳаммадан ҳам кўра ўзимизга кўпроқ аён, — деди у, — Шунинг учун бизни халқаро эмиссарлар назорат қилиши мантиққа тўғри келмайди».

КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

• АЛМАТИ. Қозоғистонда ДОСААФ мулки билан боғлиқ келишмовчиликлар давом этмоқда. Давлат мулк қўмитаси бу муассасанинг вазифаларини ўзгартириш мақсадида ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрловчи ўқув масканларини Мудофаа вазирлиги тасарруфига ўтказишга қарор қилганди.

Мамлакат олий суди қарорни қонунга хилоф деб топди. Адлия вазирлиги эса ДОСААФнинг қайта рўйхатдан ўтиши тўғрисидаги ўз буйруғини бекор қилди.

Аммо шунга қарамай, Мудофаа вазирлиги ДОСААФ мулкларини ўзлаштиришга киришиб кетди. ДОСААФнинг Кустанай ва Уральскдаги махсус ўқув масканларига қуролланган ҳарбийлар жойлаштирилиб, ўқув машғулотлари тўхтатилди. ДОСААФ марказий қўмитаси вилоят шўъбаларига ўқув масканларининг фаолиятини тўхтатмаслик ва уларнинг ҳудудига бегоналарни киритмасликка буйруқ берди.

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК ДОМИГА ТУШИШДИ

• ТОКИО. Япониянинг Сакаи шаҳрида «Бацилла О-157» юқумли касаллиги эпидемияси туфайли барча бошланғич мактаблар зудлик билан ёпилди.

Айни вақтда шаҳардаги 2800 нафар мактаб ўқувчиси ушбу касаллик домига тушган. Айримларининг аҳволи эса оғир. Бундан бир ой илгари Япония жанубида айнан шу касаллик туфайли қарийб 2000 нафар мактаб ўқувчиси заҳарланиб, тўрт нафари ҳаётдан бевақт кўз юмган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, касаллик мактаблардаги тушлик овқатдан тарқалмоқда. Чунки Сакаидаги мактаблар учун овқат ягона таомлар марказида тайёрланади.

МАНЗИЛГОҲЛАРДА ЯҲУДИЙЛАР КЎПАЙМОҚДА

• ТЕЛЬ-АВИВ. Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида жойлашган яҳудийлар манзилгоҳлари кенгаши яқин тўрт йил давомида Исроил назорати остидаги ҳудудда исроилликлар сонини уч маротаба оширишга қарор қилди.

Яҳудийлар манзилгоҳлари кенгаши раиси Пинхас Валерштейннинг таъкидлашича, ана шу давр ичида мазкур ҳудудда яна 12 та янги манзилгоҳ қурилади ва бу ердаги яҳудийлар сони кўчиб келаётганлар ҳисобига ортиб, 400-500 минг нафарга етади.

БОЖХОНА СОЛИҒИ ОЛИШ ОЛТИ БАРАВАР ОШДИ

• АЛМАТИ. Қозоғистон ҳукуматининг қарорига кўра, 15 июлдан бошлаб хорижда ишлаб чиқарилган автомобилларни мамлакат ичкарисига олиб кириш шартлари кучайтирилди. Эндиликда чегарадан ўтаётган чет эл маркали автомобиль соҳиблари илгаригига қараганда олти баравар кўп божхона солиғи тўлайдилар.

Қозоғистон божхона қўмитаси раиси Эркежбой Дербишевнинг фикрига кўра, бу мамлакатнинг Россия, Беларусь ва Қирғизистон билан божхона иттифоқига кирганлигининг амалий натижасидир.

ЛЕБЕДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

• НЬЮ-ЙОРК. Александр Лебедь «Нью-Йорк таймс» газетасига берган интервьюсида «Чеченистон Россиянинг ҳудудида жойлашган ва бу муаммони ҳал қилишда шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда иш юритамиз», деди. Президент сайловларидан кейин яна авж олган можаро ҳақида тўхталган Россия Федерацияси Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Чеченистон можаросининг ҳал этилиши учун узоқ муддатли ўтиш даври лозимлигини билдирди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

БОСКО ЛАҚАБЛИ МЭР

Санол мўъжазгина ғаройиб шаҳарча. Унинг мэри ҳам ғаройиб. Боско лақабли ит. Бизга ғалати туюлиши мумкин. Лекин Калифорнияда, умуман Америкада бунга унчалик ғайриоддий воқеадек қарашмайди. Ит ҳам мэр бўладими?

Тўғри, итларнинг ҳаммасиям бундай мартабага эришавермайди. Боскони эса «палаги тоза». У дурагай. Ярим лабрадор, ярим роттвейлер авлодидан. Унинг хўжаси Том Стиллмэн меҳрибон инсон. Яхшигина сиёсатчи.

Боско илк марта икки нафар таниқли сиёсатдон рақиблари номзодини енгиб, 1983 йил шаҳар мэри этиб сайланганди. Охирги тўрт йиллик сайловда эса ҳеч ким Боскога рақиб бўлолмади. Ўзининг номзодини эса учинчи бор бундан уч йил олдин қўйганди. Шунда икки номзод рақиб итга эса омад рўйхуш бермади. Яна Боско мэр этиб сайланди.

— Боско шаҳримиз ғурури эди, — дейди хўжанинг онаси Пэт Стиллмэн. — Унинг ўн бир йиллик мэрлик даврида биз бутун шаҳарчада яшовчилар уни қўллаб-қувватлаб турдик.

Собиқ мэрнинг ҳаётида қувончли, жаҳоншумул воқеалар кўп бўлганди. Санолга расмий ташриф билан келган япон вакиллари шаҳар мэри қабулида бўлишди.

— Салом! — Боско «қўлини» узатди вакил раисига. Ҳаммадан қизиғи мезбон меҳмоннинг қўлини дўстона қаттиқ қисиб қўйганда японлар ҳайратланиб қолишди. Шундан сўнг Боскони Сан-Францискода япония элчихонасига таклиф этишди.

— Нега шаҳар мэри — Боско! (ит!) — сўрашди улар. Мэрнинг хўжаси ҳеч иккиланмай деди:

— Чикаго, Детройте ё Майами мэрини танийсизми? — Улар бош чайқашди. — Боскони эса минглаб одамлар танийди, уни қўллаб-қувватлашади. У шоу-телеканалда иштирок этади.

Тирик мавжудот борки эркинликка интилади. Баъзан кошона ҳаётда оддийгина турмушни қўмсаб қолади. Ҳатто Боско ҳам мэрликни ташлаб «қочиб» кетган вақтлар бўлган. 1988 йилда у «йўқолиб» қолди. Шов-шув кўтарилди. Маълум бўлишича, мэр «қабул»дан чарчаб, пикап-кузовида мудраб ётган экан. Орегонега боргандагина уйғонди. Бир ҳафтада мэр ўз «постига» қайтди. Уни порахўр деб ҳам бўлмайди. Бор-йўғи бир марта муюлишдаги қассоб гўшт дўконидан ним чорак қадоқ мол гўшти билан сийлаганди. Эвазига мэр қассобга «миқ» этмади, бирор нарса «ваъда» қилмади.

Санол мэри ҳозирда истеъфога чиқишга қарор қилди. Боско Санолдан кетди. Сан-Францискодан 72 километр наридаги мўъжазгина шаҳарча аҳолиси собиқ мэрни тез-тез ёдга олишади. «Ғаройиб мэр эди!» — қувнаб, баъзида хомушгина эслашади уни.

Боско лақабли мэр! Ҳа, ундан шундай хотира қолди санолликлар қалбида!

Шунақасиям бўлади

БАРИБИР ИМЛОНИ БИЛГАН ЯХШИ-ДА!

Перт. Директор номига шаҳар аҳолиси номидан норозилик хатлари туша бошлади. Мактаб директори битирувчиларига қарата ўз табригида: «Табриклайман! Ўйлайманки, сизнинг барчангиз исёнчисизлар!» деганди-да.

Табиийки, кечадаги бу «табрик»ни эшитган битирувчилар, ота-оналар ҳам жунбушга келишди.

Ҳаяжонланган директор Жим Олдхэм тезда бунга тузатиш берди. «Битирувчиларни «голиблар» (инглиз тилида голиб — «winner», — у эса бундай ёзганди — «wiener» — исёнчи) демоқчилигини таъкидлаб ўтди.

Имло луғатини пухта билиш ҳар қайси тилдаям зарар қилмас экан.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

ЁЛҒОНЧИНИНГ БУРНИ ЎСАРМИШ...

Лос-Анжелос. Инсоннинг ташқи қўриниши ички дунёсини очиб берадими? Бу савол бироз мавҳумроқ, енгилгина туюлиши мумкин. Лекин у биз ўйлаганчалик юзаки масала эмас. Айтайлик, юз тузилишингиз, бурнингизнинг қирра ёки бежиримлиги. Бу, қувноқ Пиноккионни ёдга солади. Ёлғончи одамнинг бурни борган сари ўсиб боради. Психолог доктор Венди Макфар катта ёшдаги одам ёлғон гапирганда сантиметрнинг ўндан минг бир улуши миқдорида ўсишини кузатди.

— Бир қарашда унча сезиларли ўсишмасдек, — дейди доктор Макфар репортёрларга. — Агар кунига уч марта алдасангиз йилига 1000; ўн йилда-чи, 10000 марта, яъни бир сантиметр ўсади-да!

Олим 1991-1994 йилда илмий кузатишлар олиб борди. 32 ёшдан 69 ёшдаги 1000 нафар эркак ва аёлнинг руҳиятини кузатди. Ўрта яшар одам ёлғон сўзлаганда 1/10000 сантиметр бурни узайган. Ўсиш 36 соат ичида давом этаркан.

Ҳозирда доктор макфар бу масалани янада чуқурроқ ўрганишга киришди. Одам икки хил шароитда ёлғон сўзлайди. Мажбурий ёки ихтиёрий. Қайси бирида бурун кўпроқ ўсади? Олим кўпроқ шароит талаб қилгандаги ёлғон кучлироқ таъсир этади деган фикрда. Чунки инсон бунда кўпроқ ҳаяжонланар экан. Илмий кузатиш давом этяпти.

Аҳамият беринг-а, сиз қачон ёлғон гапирасиз?

ОЛИМПИЯЧИ ДИЛИДА ВАТАН ТУЙҒУСИ,

НИЯТ АМАЛДАН АВВАЛ

Б. МАҲСИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси

— Халқимизнинг нияти холис, сўзи одил. Ҳадиси шарифда қайд қилинишича, инсоннинг нияти қандайлигидан қатъи назар оғиздан чиқиши ҳамоноқ инобатга олинаркан. Яхши ният — ярим мол, дейилишининг боиси ҳам шунда. Ҳамиша эзгулик билан яшаш, дилларга яхшилик уруғини сочиш зўр саодат. Ёрқин истиқбол сари собит қадам ташлаётган халқимиз келажаги буюк давлат қуришни ният қилган. Биз иқтисодиётимизни бутлаб, жаҳон андозаларига мослаб, ўзлигимизни билиб, қадриятларимизни тиклаб, жаҳон миқёсида танилишга, нуфузимизни оширишга ҳаракат қиляпмиз. Спорт ҳам бу борадаги мақсадга эришишнинг муҳим омилларидан саналади.

Истиқлол юртимизда соғлом авлодни тарбиялаш, спортда довруғ қозониш йўлида нимаики қилаётган бўлсак, ҳаммасига юртбошимиз раҳнамолик қилмоқдалар. Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида биринчи бўлиб жисмоний тарбия ва спорт ҳақида Қонун қабул қилинди. Иккі марта халқ севган ўйин—футболни ривожлантириш, жаҳон талабларига етказишни кўзда тутган тарихий қарор бўлди. Юртдошларимиз халқаро майдонларда астойдил беллашиб, шуҳратимизни оширишга интилдилар. Осиё ўйинлари, Марказий Осиё ўйинлари, Осиё бокс чемпионати каби баҳсларда Ўзбекистон номи дунё миқёсида оғизга тушди. Ана шундай муваффақиятларнинг самараси ўлароқ юртбошимиз Олимпия олтин ордени билан мукофотландилар. Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч бундай юксак мукофотни топширар экан, Президентимизга шундай деган эди: «Сизнинг жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматларингиз ва олимпия ўйинларини қайта тиклаган Пьер Де Кубертен ишлаб чиққан олимпия идеалларига садоқатингиз учун биз Сизни Олимпия ордени билан мукофотлаймиз».

Спортчиларимизга юксак шараф насиб этди. Улар замонавий олимпия ҳаракатининг бошланганига 100 йил тўлган бир пайтда ўтказилаётган Атланта олимпиадасида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар. Вакилларимиз учун бунинг яна бир муҳим томони шундаки, улар илк марта мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладилар. Ҳа, зиммамизда фахрли ва масъулиятли вазифа бор. Аммо йигит-қизларимиз спорт майдонларида Ватан туйғусини дилларига жо қилган ҳолда баҳслашишга аҳд қилишган. Улар ёш мамлакатимиз номини улуғлаш катта шараф эканини яхши биладилар. Зеро, олимпия ҳаракати давлатлараро муносабатлар тизимида уларни бир-бирига яқинлаштирувчи, спорт орқали сиёсий йўналиши ва иқтисодиёти даражасидан қатъи назар барча мамлакатларни бирлаштирувчи қудратли омил эканини унутиб бўлмас.

Тўғри, спортчиларимиз 1952 йилдан бери олимпиада ўйинларида қатнашиб келадилар. Афсуски, у замонларда лаёқатли йигит-қизларимизни олимпиадачилар рўйхатида кўриш қийин кечарди. Шу боисдан ҳам шунча йиллар мобайнида олимпиадачи бўлиш шарафига муяссар бўлган вакилларимиз сафи 63 нафардан ошмади. Қўлга киритган медаллар эса 40 тага ҳам етмади. Энди ҳур Ватанимизда ўзимизнинг жисмоний ва руҳий имкониятларимизни юзага чиқариш замони келди. Биз Атлантага 76 нафар кучли спортчи билан йўл олганмиз. Аммо баҳс қизғин ва муросасиз бўлиши табиий. Олимпиадани энг йирик спорт анжумани, деб бежиз айтишмайди. Ҳар бир спортчи ўзининг 4 йиллик тайёргарлигини синовдан ўтказиб, маҳорат намойиш этмоғи керак бўлади.

Кўпгина кишилар нечта ва қандай медаль билан қайтасизлар, деб қизиқадилар. Балки кўпчилик катта мусобақанинг «Олимпиячи бўлиш — шараф» деган шиорини билмаса керак. Албатта, шарқона андиша билан айтганда, мақтанишга йўймаслик керак. Уммон ортига парвоз қилган киши у ердан қуруқ қайтишини хаёлига келтирармиди. Илло, бундай дейишга асосларимиз бор. Олимпиадада энг кўп медаллар шодасига АҚШ, Германия, Хитой, Россия, Япония каби мамлакатлар асосий даъвогар бўлиши табиий. Биз ҳам баҳоли қудрат ғолиблик супасини кўзлаймиз. Спортчиларимиз бир неча бор мадҳиямизни янгратиб, мовий яшил байроғимизни ҳилпиратишни кўзлашган.

Кураш, бокс, мерганлик, гимнастика, эшкак эшиш турлари бўйича тайёргарлигимиз чакки эмас. Рамил Исломов, Руслан Ҳинчагов, Дилшод Ёрбеков, Наримон Отаев, Оксана Чусовитина, Иван Киреевларга умид боғлаганмиз. Спортчиларимизнинг руҳлари баланд, кайфиятлари яхши. Уларни Президентимиз қабул қилишлари ҳам ўзига хос катта мадад бўлди. Қачонлардир олимпия ўйинларини Тошкентда ўтказишни дилимизга жо қилганмиз. Биз Атлантада ана шундай эзгулик ва улуғвор мақсад билан майдонга тушамиз. Ниятимиз мустажоб бўлса, кўп миллионлик ўзбек халқи олдида юзимиз ёруғ бўлғусидир.

О, Спорт! Сен — лаззат, ҳаловат, таскин!
О, Спорт! Сен — меъмор, сен — мураббийсан!
О, Спорт! Сен — одил, ҳалол ҳақиқат!
О, Спорт! Сен — даъват, сен чақириқсан!
О, Спорт! Сен — эзгу, сен — олижаноб!
О, Спорт! Сен қувонч, сен — файз, шодиён!
О, Спорт! Сен — сахий, соҳибкарамсан!
О, Спорт! Сен — тинчлик, ҳамкорлик, дўстлик!
Халқлараро эзгу мустаҳкам кўприк.

Замонавий олимпиада ўйинларининг асосчиси Пьер де Кубертеннинг «Спорт қасида»сидан.

Эртага АҚШнинг Атланта шаҳрида XXVI ёзги олимпиада ўйинлари байроғи кўтарилади

ОЛИМПИАДА ПОЙТАХТИ

Йирик спорт анжумани ўтказиладиган шаҳарнинг қандайлиги кўпчиликни қизиқтириши турган гап. Маълумотларга қараганда, Атланта қадимий шаҳарлардан эмас. Бўй кўрсатганига эндигина 50 йил бўлди. Унгача Американинг Джорджия штатидаги маъмурий марказлардан ҳисобланарди. Аҳолиси 330 минг киши бўлган. Ярим аср мобайнида эса аҳолиси қарийб 10 баробар кўпайиб, 3 миллиондан ошди. Бу ерда авиация, машинасозлик, химия, енгил саноат яхши ривожланган. Дорилфунунларида турли мамлакатлардан келган минглаб талабалар таҳсил олишади.

Атланта ёшлари жисмоний тарбия ва спортни хуш кўрадилар. Турли бадантарбия ва машқларга кўпроқ вақт ажратадилар. Атланта олимпиадани ўтказиш учун 1987 йили ўз номзодини илгари сурган эди. Бу даврда эса олимпиадани ўтказишга АҚШнинг 13, жаҳоннинг юздан ортиқ шаҳри талабгор эди.

Орадан 2 йил ўтгач, халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Х. А. Самаранч Атлантага ташриф буюрди. Шаҳарда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун кўп иш қилинганини кўрди. Биргина ўқувчилар олимпиадасида 100 мингдан кўпроқ киши қатнашди. 1990 йили халқаро олимпиада қўмитасининг Токиода ўтказилган сессиясида Атланта номзоди 51 овоз билан маъқулланди.

Олимпиада шаҳрида спортни севувчилар, ҳомийлик билан мадад қўлини чўзишга тайёрлар кўп. Бундай ўзига хос ҳаваскорларнинг сафи 50 мингдан кўпроқ экани маълум. Олимпиада мусобақалари эса йирик спорт масканларида давом этади. Жумладан, «Олимпикс Ринг» ва «Олимпикс Парк» мажмуалари спортчилар ихтиёрида бўлади. Булар таркибига ўнлаб ажойиб ўйингоҳлар, заллар, ҳовузлар ва майдончалар киритилган. Атланта олимпиадасининг тантанали очилиш маросими эса қарийб 90 минг томошабинни бағрига оладиган ўйингоҳда ўтказилади. Мусобақалар эса 50 минг ўринли «Олимпия» ўйингоҳида, 15 минг кишига мўлжалланган «Нотаториум» спорт кошонасида, 10 минг кишилик олимпия уйида, 6 минг мухлисни бағрига оладиган теннис мажмуида давом этади. Атлантадаги меҳмонхоналар эса бир йўла 71 минг кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бир сўз билан айтганда, Атланта тарихий шаҳарлардан бирига айланади.

Хуршида НАЗАРОВА.

АЖОЙИБ ЕТТОВЛОН

Олимпиада йўлланмасини қўлга киритган боксчиларимиз етти нафар бўлгач, бир пайтлар экранда севиб томоша қилинган кинога тақлид қилиб, бизга «Ажойиб еттовлон» деб ном қўйишди.

Ҳаммаси Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатидан бошланди. Ўшанда Наримон Отаев, Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Дилшод Ёрбековлар чемпиони бўлиб, олимпиадага йўлланма олишганди. Шундан кейин вакилларимиз Таиланд ва Филиппинда ўтказилган халқаро мусобақаларда ўзларини кўрсатиб, йўлланма учун курашдилар. Карим Тўлаганов билан Улуғбек Иброҳимовлар ҳам сафимизга қўшилди. Ниҳоят 57 килограмм вазнли Темур Иброҳимов Бангкокда бўлган халқаро учрашувдан зафар билан қайтди. Шу тариқа еттовлон бўлдик.

Албатта қараб ўтириш бўлмасди. Йигитларимизни халқаро учрашувларга кўпроқ йўллашга аҳамият бердик. Хусусан, М. Абдуллаев билан Д. Ёрбеков Атлантада ўтказилган олимпиадаолди мусобақаларида қатнашдилар. Қолганлар Туркия ва Руминия сафарида бўлишди. Ҳар қалай шогирдларимдан кўнглим тўқ. Астойдил курашиб, ишончни оқлайдилар, деган умиддаман.

Владимир ШИН,
бокс терма жамоасининг мураббийси.

Дил сўзлари

ОРЗУ ЙЎЛИДА

Наримон ОТАЕВ,
бокс бўйича жаҳон кубоги соҳиби:

— Юртдошларим қатори олимпиадага бориш менга ҳам насиб этганидан бахтлиман. Зеро, бахтиёр бўлиш учун тер тўкишга тўғри келади. Боиси, олимпиада ринги беаёв. Ҳали мен ким билан рақобат қилишимни билмайман. Аммо ким билан курашмай Ўзбекистон, истиқлол юрт, Ватан ўғлони эканимни сира унутмайман. Бундай туйғу менга куч ва руҳ бағишлайди.

МЕН УЧУН ИККИНЧИ СИНОВ

Оксана ЧУСОВИТИНА,
гимнастика бўйича олимпиада ва жаҳон чемпиони:

— Тўрт йил аввал Барселона олимпиадасида ҳам иштирок этганман. Бундай йирик анжуманда қатнашиш бўйича тажрибам бор. Лекин ўтган давр билан ҳозиргисини қиёслаб бўлмайди. Чунки илгари истиқлол нафаси, озодлик қувончини ҳозиргидек ҳис қилмагандим. Энди бўлса, мустақил Ўзбекистон номи мен учун ҳар нарсадан афзал. Албатта, спорт гимнастикаси энг оммавий спорт турларидан ҳисобланади. Демак, маҳорат касб этганлар сафи ҳам бениҳоя. Бу — Атланта майдонидаги баҳслар ниҳоятда қизғин бўлишидан нишона. Қўлимдан келганча юртимни шарафлашга интиламан.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- ***ОЛИМПИАДАДА 197 та мамлакатнинг 10 мингдан зиёд спортчиси қатнашади. Шундан 3779 нафари аёллар.***
- ***АҚШ делегацияси ҳаммадан кўп. 1065 спортчининг совринли ўринларга даъвогар бўлиши кутилмоқда.***
- ***ИККИ ҲАФТА давом этадиган қизғин курашда олимпиадачилар ўзларига аталган 1933 та медаль учун курашадилар. Шундан 604 таси олтин медалдир.***
- ***МУСОБАҚАЛАРГА 11 миллиондан ортиқ чипта сотилган. Уларнинг ўртача нархи 39 доллар 72 цент деб баҳоланмоқда.***
- ***ОЛИМПИАДА ўйинларини Атлантага келиб кўришни истаганлар сафи 2 миллиондан кўпроқ бўлиши кутиляпти.***
- ***СПОРТ байрамининг очилиши, ёпилиши тантаналарини ва мусобақаларни жами 3,5 миллиард томошабин кўриши мўлжалланган. «Ойнаи жаҳон» хосияти туфайли мухлисларга бундай имконият яратишни Американинг ЭН-БИ-СИ телевизион тизими ўз зиммасига олиб, 456 миллион долларга сотиб олди.***
- ***ОЛИМПИАДА ўтказиш учун сарфлар 1,6 миллиард долларни ташкил этса, кирим, яъни келадиган фойда бундан кўпроқ бўлиши кутилмоқда. Хусусан, соф фойда 5,1 миллиард долларни ташкил этади.***
- ***МУСОБАҚАЛАР Атланта, Афина, Бирмингем, Майами, Орландо ва Вашингтон шаҳарларида ўтказилади.***

Олимпиада очилишига бағишланган туркум материалларни Ҳайдар НОСИРОВ тайёрлади.

СУРАТДА: Ўзбекистон олимпиадачиларидан бир гуруҳи.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

ЮРТИМ ЖАҲОН ИЧРА МАЁҚ БЎЛҒУСИ!

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0363

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.20.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ОСИЁ БОЗОРИ

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФирМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ОСИЁ БОЗОРИ»

иқтисодий-ахборот, реклама илова газетаси доимо сизнинг хизматингизда!

«Ўзбекистон овози» газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси — «ОСИЁ БОЗОРИ»нинг ҳам бугунга келиб муштарийлари сони ортиб бормоқда. Хорижий фирмалар ҳамда тадбиркорларнинг рўзнома саҳифаларида чоп этилаётган турли эълон ва рекламаларга бўлган қизиқиши эса кучайяпти. Шу муносабат билан газета таҳририяти реклама ва эълонларни инглиз тилида ҳам чоп этишни йўлга қўйди. Яна бир гап: «Осиё бозори»нинг икки нусхасини сотиб олган кишиларнинг хусусий эълонлари бепул чоп этилади. Марҳамат, сиз бу масалада бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Дарвоқе, отахон газета таҳририятида инглиз тилидаги «Ўзбекистон овози — таймс» иловаси ҳам нашр этиляпти. Сиз бу иловада ҳам реклама ва эълонларингизни чоп этишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 344, 343, 347-хоналар.
Телефонлар: 33-38-55, 33-54-55.
Факс: 33-79-14.

«АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ

15 кг ва 50 кг ун қопларини ҳамда қуйидаги тегирмон вальцларини пул ўтказиш йўли орқали

СОТАДИ

Бухлер стандартли вальц (1000x250) — 125 000 сўм.
Рус стандартли вальц (1000x250) — 120 000 сўм.
Рус стандартли вальц (800x250) — 110000 сўм.

Бизнинг манзил: Тошкент, Маяковский кўчаси, 6. Телефонлар: 67-23-74, 67-77-41.

ТАШКИЛОТ

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган А-76, А-80 автомобиль бензинлари ва дизель ёнилғиларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулида

СОТАДИ

ҳамда узоқ муддат сақлаб беришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Нархлар арзон, шартнома асосида.

Улгуржи харидорлар учун нарх тушириб берилади.

Ёнилғини ташиш учун автомобиль хизмат кўрсатади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Боткин кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 67-44-60, 68-12-06.

«Ўзбекистон овози» газета таҳририяти жамоаси газета бўлим мудири Миршароф Муҳсимовга опаси

Ленинза РАҲИМЖОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси «Ўзмевасабзавотмарказсервис» фирмасининг бош директори

Абдуллажон САМАТОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.